*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри**

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 134 (21. 001) 1991 йил 13 июль, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

*«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар*

*• Ўзбекистон ССР Президенти номига келган мактубларни ўқиб*

# ҲАЁТ НАФАСИ

**Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номига ҳар куни ўнлаб хат ва телеграммалар келяпти. Уларни ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар, партия, совет ва комсомол ходимлари, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, ногиронлар, ёшлар йўллаганлар.**

**Бу хат ва телеграммаларда жамҳуриятимизда юз бераётган чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, ҳал этилиши лозим бўлган мураккаб масала ва муаммолар, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, айниқса, аҳолининг кам таъминланган табақалари машаққатларини енгиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, белгиланаётган қатъий чора-тадбирлар худди томчида қуёшдек ўз аксини топган.**

ХАТ ва телеграммаларда, жумладан, Ўзбекистон Президентининг жамҳуриятда қайта қуриш, демократия ва ошкораликнинг амалга оширилиши, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, одамлар ва ўлкамиз манфаатини узвий боғлашга, умуман жамиятимизнинг моддий ва маънавий негизларини мустаҳкамлашга ҳамда иқтисодиётда ва сиёсатда бошбошдоқликка йўл қўймасликка қаратилган куч-ғайратини қизғин маъқуллаб, ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Хатларнинг мутлақ кўпчилигида Президент ўз вақтида қабул этаётган фармонларнинг таъсирчанлиги, унинг ғайрат-шижоати туфайли жойларда хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги, оддий фуқароларнинг, қаровсиз кексаларнинг оғири енгил бўлаётганлиги таъкидланган, бунинг учун Президентга миннатдорчилик изҳор этилган.

Сирдарё вилоятининг Ховос ноҳиясидаги «Ховос» давлат хўжалиги меҳнаткашлари номидан келган хатда, жумладан, шундай дейилади: «Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, сизни жамҳуриятимиз халқининг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш учун тинмай ғамхўрлик қилаётганингиздан, чиқараётган инсонпарвар фармонларингиздан, доимо халқ орасида бўлиб, уларнинг дардини эшитаётганингиздан ниҳоятда мамнунмиз.

Тоғ бағрида яшаётган 27 та қишлоқдаги 20 минг аҳолининг кўп йиллардан буёнги сув ва газ тўғрисидаги орзулари сизнинг раҳбарлигингизда рўёбга чиқаётганлигидан ғоят миннатдормиз. Сиз айтгандек, жонажон диёримизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир кафт тупроғини кўзимизга тўтиё қилишимиз учун Баландчақир, Сармич, Жуланғар, Пучуғо, Паскичақир ва ўнлаб қишлоқларнинг 50 минг гектардан зиёд ерлари учун 126 миллион сўмлик сув қувури қурилаётганлиги ва тоғли аҳолининг турмушини яхшилаш борасидаги улуғ ишларингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамиз, элимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлидаги ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз».

Мактубга хўжалик аҳолиси номидан Улуғ Ватан уруши ногиронлари: Холбек Назарқулов, Мамарасул Баратов, Нарзулло Ҳожиев, Абдураҳмон Аҳмедов, вилоят Кенгашининг нойби Каримжон Турдиқулов, байналмилалчи жангчи Жумақул Юнусов ва бошқалар имзо чеккан.

Тошкент шаҳридан шифокор Кабир Каримов, Андижон вилоятининг Хўжаобод шаҳридан Абдулатиф Усмонов, шу вилоятнинг Андижон ноҳиясидаги 32-ўрта мактаб ўқитувчиси Умарали Усмонов, Ленинск шаҳридан Ҳусанбой Ёқубов, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ноҳиясидан Т. Тиллаев, Бухоро вилоятининг Когон шаҳридан Маҳмуд Холназаров, Бухоро шаҳридан Каримжон Ризоқулов, Самарқанд вилояти Нарпай ноҳиясидаги «Октябрь» жамоа хўжалигидан М. Каримов, А. Шопиев, Пахтачи ноҳиясидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров, Хатирчи ноҳиясидан Умар Тошиев, шу ноҳиянинг «Олтинсой» совхозидан М. Пўлатов каби партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи шаҳридан биринчи гуруҳ ногирони Мамат Бобомуродов, Хоразм вилоятининг Урганч ноҳиясидаги Наримонов номли жамоа хўжалигидан Рўзимбой Жуманиёзов, Тошкент шаҳрининг Октябрь ноҳиясидан Саидвали Шарафиддинов, Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридан СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Ю. Леонтичев ва бошқалар ўз мактубларида Президентимизнинг жамҳуриятда ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида тўлқинланиб ёзганлар.

Кўпгина мактуб ва телеграммаларда муаллифлар Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлиб, у катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.

Хоразм вилояти, Янгибозор ноҳиясидаги «Ғалаба» посёлкасида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони, пенсионер Шукуржон Юсупов Президентга йўллаган телеграммасида шундай дейди: «Сизнинг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» чиқарган Фармонингизни ўқиб, ниҳоятда фахрландим. Аминманки, Фармонингиз ҳамма жойда адолатли амалга оширилади. Сизга ҳамиша сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва келгуси ишларингизда каттадан-катта ютуқлар тилайман».

Тошкентлик пенсионер аёл, Ўзбекистонда парашют спортининг биринчи фахрийларидан бўлган Надежда Георгиевна Бобкова ўз қалб сўзларини мана бундай изҳор қилади: «Президентимиз ўртоқ И. А. Каримовнинг ёлғиз пенсионерларга қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги Фармонини ўқиб, ўйлаб қолдим.

(Давоми иккинчи бетда).




## АНИҚ РЕЖАЛАР

**«Сурханводстрой» трести 3-кўчма механизациялашган жамоа бунёдкорлари катта маррани забт этдилар. Улар «Мактаб тайёр! Уй-жой қурилишидаги суръатни ҳам сусайтирмай, объектни барвақт топширамиз!» дея ғалаба рапортига имзо чекдилар.**

**Гагарин районида бахт ва шодлик куйчиси — Ҳамид Олимжон номли 9-мактаб биноси муддатдан илгари фойдаланишга топширилди. Илм кошонаси 420 ўринли. Бу ерда барча қулайликлар мавжуд.**

**«Сурханводстрой» трести ташкил этилганига ҳадемай, 30 йил тўлади. Шу йиллар ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди: Жами 700 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилганлиги ғоят қувончлидир. Янги ерларни ўзлаштиришда мелиораторлар қўшаётган ҳисса жуда катта. Улар ёрдами билан 118 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. 128 минг гектар майдонга оби-ҳаёт тармоқлари ўтказилди. Йирик сув ҳавзалари барпо этилдики, уларга 950 миллион кубометр оби-ҳаёт сиғади. 3 минг квадрат метрга яқин уй-жой, болалар боғчалари, шифохоналар ҳамда бошқа маданий-маиший объектлар чўлқуварлар ихтиёрига топширилган.**

**Бунёдкорларнинг режалари аниқ. 465 минг гектардан кўп ташлаб қўйилган ер ўзлаштирилади. 14 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, ҳовли тўйлари ўтказилиши мўлжалланган.**

**Жамоада эл ҳурматини қозонган меҳнат пешқадамлари жуда кўп. Каромат Худойбердиев, Неъмат Қурбонов етакчилигидаги қурувчилар бригадаси аъзолари, ғишт терувчи Зафар Қурбонов, сувоқчи Тўра Номозов барчага ибрат кўрсатишмоқда. Улар бажарган иш ўз сифати билан ажралиб туради.**

**Суратда: муддатдан олдин фойдаланишга топширилган мактабда.**

**Р. ШАГАЕВ ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат**

**(ЎзТАГ).**

# КУН ТАРТИБИДА— ДАВЛАТ ТИЛИ МАСАЛАСИ

**● 11 июль куни Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасида Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Ўзбекистон ССР вице-президенти, мазкур комиссия раиси Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Комиссия мажлисида Сирдарё областида «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши ва атамашунослик комитети тасдиқлаган атамаларнинг газеталарда қўлланилиши ҳусусидаги масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда тил ҳақидаги Қонунни амалга ошириш соҳасида Сирдарё областида муайян ижобий ишлар қилинаётганига қарамай, ҳали бу ишда талайгина камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Кейинги вақтларда областда тил ҳақидаги Қонуни бажариш ишига эътибор сусайтириб юборилган, ушбу Қонуннинг амалга оширилишини назорат қилувчи область комиссияси бу муҳим масалага етарли эътибор бермаётир, унинг томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар ҳозирги кун талаблари даражасида эмас. 1991 йилда область бошқармалари ва корхоналари раҳбарларининг, район ижроия комитетларининг тил ҳақидаги Қонун бажарилишига оид ҳисоботлари деярли режалаштирилмаган, ўзбек тилини ўрганиш курслари олдинги йилга нисбатан кескин камайиб кетган, айрим жойларда (масалан, Ширин шаҳрида) давлат тилини ўрганиш иши деярли тўхтатиб қўйилган. Областда тил ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши изчил тартиб ва тизим асосида йўлга қўйилмаган.

Топонимик комиссиялар фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуд. Кўплаб жойлар ҳали ҳам тарихий асосдан узилган бўлиб, миллий ва ҳалқчил анъаналарга мос келмайдиган номлар билан аталмоқда. Бир қатор идоралар ва муассасаларнинг пешлавҳалари фақат рус тилида ёзилган, кўпгина кўчаларнинг номи ўзбекчалаштирилмаган.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонунининг бажарилиши айниқса Гулистон, Янгиер шаҳарларида, Гулистон ва Ворошилов районларида қониқарсиз аҳволдадир. Область ижроия комитети тил ҳақидаги Қонунни бажариш иши билан область кенгаши шуғулланади деган баҳонада бу муҳим ишни ҳаётга татбиқ этишдан ўзини четга олганлиги яққол кўриниб турибди. Область ижроия комитети, унинг жойлардаги идоралари ва бошқармалари жўнатилаётган хатлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларни рус тилида юбормоқдалар. Алоқа бошқармасида ишлайдиган ходимларнинг асосий қисми Давлат тилини билмайди, уларни ўзбек тилида ўқитиш иши эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Республика комиссияси Сирдарё областида Давлат тили ҳақидаги Қонунни бажаришга оид ишларни қониқарсиз деб топди ҳамда тегишли ташкилотлар зиммасига бу соҳадаги камчиликларга тезроқ барҳам бериш ва ишни жонлантириш вазифасини юклади.

Бу хилдаги камчиликлар бошқа областларда ҳам кўзга ташланмоқда. Энг катта камчилик шундан иборатки, аксарият идоралар, муассасалар ва ташкилотларда ўзбек тилида иш юритиш, ҳужжатларни, қарорларни, хат-хабарларни ўзбек тилида ёзиш, миллий тилни яхши биладиган ва шу тилда бемалол муомала қила оладиган ходимларни тайёрлаб етиштириш масалаларига ҳануз тегишли эътибор берилмаётир. Комиссия мажлисида ана шу жиддий нуқсонлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлат тили ҳақидаги Қонунни жорий этишда умуман бутун республикада ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бу масала билан биринчи галда министрликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари фаол шуғулланишлари, давлат тилини юритиш учун таъсирчан чора-тадбирларни кўришлари керак.

Сўзга чиққан нотиқлар ўзбек тилини ривожлантириш, унинг луғат бойлигини кенг оммага тушунарли ва маъқул бўлган янги сўзлар ҳамда иборалар билан тўлдириб бориш ҳусусида бир қанча қимматли таклифларни ўртага қўйдилар. Жумладан, республика комиссияси ишини тубдан қайта кўриб чиқиш, комиссия аъзоларининг нуфузини кўтариш, кўпроқ амалий ишларга ўтиш лозимлигига эътибор қаратилди. Атамашунослик комитети ишини фаоллаштириб, унинг ҳуқуқларини аниқ белгилаб бериш айниқса муҳимдир.

Тилни ривожлантириш ҳусусида афтидан шошма-шошарликка йўл қўйилганга ўхшайди. Бунинг натижасида газета ва журналларда сўзларни ишлатишда ҳар хиллик кўпайиб кетди. Олимлар, мутахассислар ва айниқса журналистлар ўртасида бу соҳада сунъий равишда мусобақа бораяпти, яъни улар янги сўзларни кўпроқ ишлатиш шиори остида омма учун тушунарли бўлмаган қатор сўз ва ибораларни қўллашга берилиб кетмоқдалар.

Республика газеталарида атамаларни қўллашда ҳамон бошбошдоқлик, ҳар хиллик давом этмоқда. Тушунилиши қийин бўлган ва ўзбек тили қонун-қоидаларига мос келмайдиган арабча-форсча атамалардан фойдаланиш туфайли бирталай чалкашликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бу ҳол ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли учун муайян қийинчиликларни туғдирмоқда. Атамашунослик комитетининг бу соҳада олиб бораётган иши ҳозирги талаблар даражасида эмас.

Республика комиссияси газеталарнинг редакцияларига расмий хабар ва маълумотларда қўлланиладиган атамалар ва маъмурий-бошқарув номланишларини бир шаклда ёзиш; кўпчилик учун тушунарсиз бўлган арабча-форсча сўзларни ва ўзбек тили қоидаларига тўғри келмайдиган сунъий атамаларни ишлатишга чек қўйиш; янги атамаларни қўлланганда, у истеъмолга барқарор кириб кетгунга қадар олдинги муқобилини қавс ичида бериб бориш вазифасини топширди. Атамашунослик комитети зиммасига атамаларни тартибга солиш юзасидан тайёрланган тавсияларни тезроқ нашр эттириш, ва манфаатдор ташкилотларга етказиш, Ўзбекистон ССР Конституцияси матнидаги атамаларни тартибга келтириш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш — республикамиздаги ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир ташкилот раҳбарининг, ҳар бир мутахассиснинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Бу борада талабчанликни кучайтириш, маданиятимизнинг кўзгуси бўлган ўзбек тилига эътиборни кучайтириш ниҳоятда зарурдир. Мана шу муҳим ишга айниқса республика комиссияси аъзолари етакчилик қилишлари,, шахсан ташаббус кўрсатишлари керак.

Ҳар иккала масала юзасидан қабул қилинган қарорда мазкур соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, бу борадаги ишларни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров, Президент Кенгашининг аъзолари С. О. Азимов ва Э. Ю. Юсупов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

12 июль куни Тошкентда жумҳурият Ўзбек тили жамиятининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров очди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров қурултойда сўзга чиқди.

Қурултойда жумҳурият Ўзбек тили жамиятининг Низоми тасдиқланди. Ўзбек тили жамиятининг раҳбарияти ва тафтиш комиссияси сайланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Қўчқортоев жумҳурият Ўзбек тили жамиятининг раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси Т. А. Валиев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

# Миллий ва фуқаролик тотувлиги учун

Яқинда КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко раислигида КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумки, ўтган йил февраль ойида Душанбе шаҳрида юз берган таҳликали воқеалар Тожикистонигина эмас, балки бутун мамлакатни ларзага солди. Иқтисодий, ижтимоий ва миллатлараро тусдаги мураккаб ҳамда зиддиятли муаммолар бошқа минтақаларда бўлгани каби Душанбе фожиасини келтириб чиқарганлиги аёндир.

Ҳўш, ҳозир Тожикистондаги вазият қандай? Жумҳурият ижтимоий-сиёсий турмушида қандай жараёнлар рўй бермоқда? 1990 йил қишида юз берган умумхалқ ғулғуласидан сабоқ чиқариб олиндими? Миллий ва фуқаролик тотувлигига эришиш учун олиб борилаётган ишлар қандай натижа бермоқда? Жумҳурият Компартияси бу жараёнларда қандай роль ўйнамоқда? Ҳозир қайси сиёсий кучлар ижтимоий турмушга реал таъсир кўрсатмоқда?

Тожикистонда ишлаган экспертлар гуруҳи шу ва шу каби масалаларни ўргандилар. Гуруҳ таркибида миллатлараро муносабатлар, нуфус, ижтимоий психология бўйича КПСС аъзолари бўлган мутахассислар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар бор эди.

КПСС Марказий Комитети миллий сиёсат бўлимининг мудири, тарих фанлари доктори В. А. Михайлов Котибият мажлисида экспертлар фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Мажлисда жумҳуриятда миллий ва фуқаролик тотувлиги сари барқарор тамойил мавжудлиги қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети мажлисида жумҳуриятда кўпмиллатли партия ташкилотини янада жипслаштириш, коммунистларнинг миллий ва фуқаролик тотувлигига эришишдаги ролини кучайтириш, қайта қуриш ва турмушни янгилаш йўлидан бораётган барча кучлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор таклифлар киритилди. Тегишли тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилди.

Мажлисда кадрлар масаласи ҳам кўриб чиқилди.

*• КОММУНИСТ МУЛОҲАЗАСИ*

# ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Мамлакатимиз, халқимиз ўз тарихининг қийин даврларидан бирини бошидан кечирмоқда. Қайта қуриш олдимизга катта юмушларни, муаммоларни қўндаланг қилиб қўйди. Уларни ҳал этишга партиямиз бошчилик қиляпти. Лекин муваффақиятларимиз мақтагулик эмас. Олға силжиш секинлик билан бораётир.

Ўзига хос шароитларда шаклланиб, жамиятимиз бешигини тебратиб келаётган Коммунистик партия жиддий синовдан ўтмоқда. Ўз вақтида унинг сафига турли шахсий мулоҳазалар билан кирганлар ҳам йўқ эмас. Шулардан айримлари бошга иш тушганда, синов даврида партияни ташлаб кетди. Партиямиз бундай ўз манфаатини кўзловчилардан қутилганига шукур. Улардан на партияга, на халққа наф бор. Лекин фахрий коммунист, катта жамоат арбоби Э. А. Шеварднадзенинг партия сафидан чиққанлиги мени жуда афсуслантирди. Ахир у Коммунистик партиямизнинг Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини кўтакизида жонбозлик кўрсатганини яхши биламиз.

Ҳозир жамиятимизда зарур ислоҳотлар амалга оширилаётган бир паллада партия ичида ҳам маълум қарашларга кўра бирлашган гуруҳлар пайдо бўлди. Бу хавфли эмасми? Йўқ, албатта. Аксинча, мамлакатни ўнглаб олиш йўлини топиш учун бамаслаҳат иш тутиш, баҳсли масалаларни муҳокама этиш, чуқур таҳлил қилиб олиш ҳозир жуда ҳам зарур.

Муҳолифлик йўлидан эса ҳали ҳеч ким яхшилик топмаган, аксинча, у кулфат келтирган. Муҳолифлик жамиятимизнинг яшашига халақит бермоқда, эндиликда у ўта хавфли ва қалтис жараёнларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро мамлакатимиз ва халқимиз ҳаёти, тақдири —жамиятимиздаги барча чинакам сиёсий соғлом кучларнинг ҳамкорлиги ва биргаликдаги ҳаракатига боғлиқ.

**В. ДАДАБОЕВ,**
**В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.**

*• КОММУНИСТ МУЛОҲАЗАСИ*

# САФИМИЗ МУСТАҲКАМЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳозир ҳамма жойда очиқ мулоқот, бунда ҳар ким ўз фикрини баён этяпти. Чунки барчани Иттифоқнинг қандай бўлишидан тортиб, партиянинг ҳолати-ю иқтисодий масалалар қизиқтирмоқда. Маълумки, чор ҳукумати даврида ҳамма нарса хусусий бўлган. Шунда кўпчилик шу мулкдан ҳамма баб-баробар фойдаланса, мулк жамоаники бўлса, «ҳақ-ҳуқуқ ҳам бир хил бўлса», деган орзу-умид билан яшаган. Коммунистик партия раҳнамолигида халқнинг бу умиди рўёбга чиқди. Ҳукумат халқ қўлига ўтди. Хусусий завод, фабрикалар умумхалқ мулки, деб эълон қилинди. Жамоалар бирлаштирилиб, хўжаликлар тузилди. Ери йўқ ер, уйи йўқ уй олди. Ҳукумат раҳбарлигида партиянинг ишончли коммунистлари келди. Энг оғир жойларда коммунистлар фаоллик кўрсатдилар. Жаҳон тан олган буюк Совет лар давлати шундай барпо бўлди.

Хўш, энди-чи? Партиямиз қандай ҳолга тушди, сабаб нимада? Бунинг сабабларидан бири партия сафига ўз шахсий манфаатини кўзлаб кириб, ундан фойдаланган айрим кишилардадир. Бундайлар партия оғир аҳволда қолганида унинг сафини ташлаб қочдилар. Улар «бундай партия бизга керак эмас» деб дод-вой солдилар. Хўш, бу билан нимага эришдилар? Ҳеч нимага, аксинча партиямиз сафлари улардан тозаланди.

Эндиликда партияга қабул қилишни ҳам, коммунистлардан халқ фаровонлиги йўлида фойдаланишни ҳам В. И. Ленин даврига қайтариш лозим. Ана шундагина партия сафи янада мустаҳкамланади.

**М. МУСТАФОЕВ,**
**Шаҳрисабз шаҳар соқчилар бўлими бошлиғи, милиция капитани.**

# ҲАЁТ НАФАСИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Аввалига ишонмадим ҳам. Ахир унинг бошида қанча ташвиш бор-ку. Ишлари жуда ҳам кўп-ку, у эса ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши тўғрисида қайғурмоқда. Биз ҳақимизда кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилигимни қай сўз билан ифодаласам экан. Фармон учун катта миннатдорчилик билдириб, чуқур таъзим қиламан».

Самарқанд вилоятининг Нурота ноҳияси Советлар кўчаси, 35-уйда истиқомат қилувчи 27 ёшли иккинчи гуруҳ ногирони Шаҳоб Ортиқовнинг қуйидаги мактубини тўлқинланмасдан ўқиб бўлмайди:

«Ассалому алайкум, ҳурматли Президент.

Мен аввало, сизга ўзимнинг миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман. Мен касалигим сабабли 8 йилдан буён ҳеч қандай нафақа олмас эдим. Сизга мактуб орқали мурожаат қилганимдан кейин мана, уч ойдирки, менга иккинчи гуруҳ ногиронлиги берилди. Ҳозир ҳар ойда мунтазам нафақа олиб турибман. Мана, бўлар экан-ку, бунгача қанча сарсон-саргардон бўлган эдим. Ваҳоланки, менга ўхшаганлар жумҳуриятда оз бўлмаса керак. Ушбу масала юзасидан шахсан Президентга мурожаат этиш зарурмиди. Бироқ мен шунга мажбур бўлдим. Жойлардаги айрим мутасадди ўртоқлар ўз ишларига виждонан ёндошмаётган бўлсалар илож қанча.

Сизга жумҳуриятга раҳбарлик қилишда омад ёр бўлсин».

Ички ишлар бўлими ходимларининг маошини ошириш тўғрисидаги қарор муносабати билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номига жумҳурият ички ишлар органлари хизматчиларидан келган миннатдорчилик хат ва телеграммалари ҳам эътиборни ўзига жалб этади.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг студентларидан ҳам Президент номига кўплаб хатлар бор. Жумладан, Фарғона давлат дорилфунуни ҳамда А. Қодирий номидаги Жиззах педагогика билимгоҳи талабалари ёзган мактубларда ўқувчи-ёшларга қилинаётган диққат-эътибор, айниқса, стипендияларнинг оширилганлиги учун Президентга раҳмат айтганлар.

Президент номига ёзилган мактублар орасида байналмилал дўстликка бағишланган хатлар алоҳида ўрин тутади. Бухоролик Б. Муротов ўз хатида ўзбек ва кирғиз халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашдаги фаолияти учун Президентдан ғоят миннатдордир.

Ўзбекистон ССР Президентининг мусулмонларнинг кўплаб истак ва хоҳишларини қондириш ва Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб ҳамда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтириш мақсадида «Қурбон ҳайит» («Ийд-Ал-Адҳа»)ни бу йил 22 июнь куни ва кейинги йилларда эса «Қурбон ҳайит»нинг биринчи кунини дам олиш куни деб тайинлаш тўғрисида қабул қилган Фармонини жумҳуриятимиздаги барча мўминмусулмонлар хурсандчилик билан кутиб олдилар. Ана шу Фармон муносабати билан Президент номига диндор кишилар, вилоятлардаги бош имом-хатиблардан, уламолардан чексиз миннатдорчилик сўзлари айтилган мактублар ҳам келган.

АЙРИМ мактубларнинг эгалари ўз хатларида Президент фармонларидан мамнун эканликларини баён қилиш билан бир қаторда баъзи муҳим муаммолар устида ҳам фикр билдирганлар.

Мана, қўлимизда Қарши шаҳридаги 14-ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари ёзган мактуб. Унда, жумладан, шундай дейилган: «Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» чиқарган фармонингиздан беҳад хурсанд бўлган эдик. Афсуски, бу хурсандчилигимиз узоққа бормади. Фармонда кўрсатилган имтиёзлардан биз, ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари бутунлай маҳрум эканмиз. Чунки, Фармоннинг бирор бандида ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Ваҳолонки, бизнинг ишимиз ҳам ўрта мактаб ўқитувчиларининг ишидан оғир бўлса оғирдирки, енгил эмас... Сиздан илтимос, ўша Фармондаги имтиёзлар ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарига ҳам берилса». Мактубга жами 74 киши имзо чеккан.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи А. М. Стородубов эса ўз хатида мамлакат иқтисодиёти, ундаги мавжуд муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган. Алексей Максимович ойлик иш ҳақини ошириш ўрнига меҳнат унумдорлигини ўстириш зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Президенти номига бепоён мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан ҳам турли мазмундаги мактублар келиб турибди. РСФСРнинг Краснодар шаҳридан П. Войтехов, Украина ССРнинг Николаев шаҳридан А. Винярский, Запорожье шаҳридан офицер Б. Светник, Симферополдан И. Мех, Қрим вилоятидан Л. Караманова, қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳридан У. Жакупова, Ўш вилоятининг Бозорқўрғон ноҳиясидан Х. Темирқулов, Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятидаги Чашмасор қишлоғидан Г. Ибодов, Қозоғистон ССРнинг Чимкент вилоятидаги Сайрам ноҳиясидан А. Наметов ва бошқалар ўз хатларида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг фаолиятини, турли миллатлар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини билдирганлар.

Жумладан, Эстониянинг Тарту шаҳрида истиқомат қилувчи Р. Р. Оха Президент маҳкамасига йўллаган ўз хатида мана бундай дейди: «Менинг ёшлигим Каттақўрғонда ўтган. У ерда отам сув омбори қурилишида ишлаб, уни бунёд этган. Шу ерда касалликка чалиниб ҳаётдан кўз юмган. Унинг хоки сизнинг муқаддас тупроғингизда қолган. Шунинг учун ҳам мен Ўзбекистонни ўз юртим деб биламан, унда юз бераётган барча ўзгаришлардан доимо хабардор бўлишга интиламан. Муваффақиятларингиздан беҳад қувончга тўламан. Ўзбек халқи ғоят меҳнатсевар эканлигини яхши биламан. Меҳнатингиз сизларга бахт-саодат келтирсин. Лекин эркин меҳнатгина қувонч келтиради. Сизнинг Президентингиз меҳнатни худди шундай қувонч фаровонлик манбаига айлантиришга интиляпти. Бу йўлда унга катта омад тилайман!

Юқорида биз мактубларда кундалик ҳаётимиз, турмуш ташвишларимиз нафаси уфуриб турганлигини таъкидладик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳар бир хатда инсон, унинг тақдири, орзу-умидлари, армонлари худди кўзгудагидек ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номига келаётган ҳар бир хат, ундаги ҳар бир сатр, баён қилинган фикр-мулоҳазалар зўр эътибор билан ўрганилмоқда. Уларда илгари сурилаётган барча масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилаётир.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## БИЗНЕС МАКТАБИНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Бизнес мактабини битирган дастлабки қирқ киши — менежерларга дипломлар берилди. Улар бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш асослари билан танишдилар. Тингловчилар назарий дарслардан ташқари амалий ўйинларда қатнашдилар, хорижий фирмаларнинг вакиллари билан учрашдилар, Тошкентда ишлаётган қўшма корхоналарнинг фаолияти билан танишдилар. Электрон техникада ҳам ишлаб кўрдилар, бундай техника ёрдамисиз бизнес муваффақиятли ривожлана олмайди.

Бизнес мактабини «Билим» жамиятининг Ҳамза район ташкилоти жумҳурият Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ташкил этганди. Назарий дарсларга СССР Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия академиясининг, Иттифоқ Фанлар академиясининг олимлари таклиф этилди.

Бугунги кунда истиқболли янги касб — жумҳуриятимизда ғузилаётган биржаларда ишлайдиган брокерлик касбини ўзлаштиришга қарор қилган кишилар учун бу мактабнинг эшиклари очиқдир.

**(ЎзТАГ).**

## • Ҳисобини билмаган...

СССР Дастгоҳсозлик саноати вазирлигига қарашли Тошкент кескир ускуналар заводи бир йилдан буён пудрат усулида ишлаб келяпти. Табиийки, бу илғор иш усули ҳар бир нарсага ишнинг кўзини билиб, тежамкорлик билан оқилона ёндашишни, ортиқча сарф-харажатларни иложи борича камайтиришни тақозо қилади. Аммо мазкур корхонада ёнилғимойлаш маҳсулотларидан фойдаланишда бунинг акси бўлаяпти. Корхонада тежамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли нефть маҳсулотларини ортиқча сарф-харажат қилиш кўпайиб кетмоқда.

Бу ерда ёнилғига эҳтиёжнинг ўзи қанчалигини ҳеч ким билмайди. Уни ҳисоб-китоб қилиш, қаерда ортиқча сарфланаётганини аниқлаш корхона иқтисодчиларининг ҳаёлига ҳам келмаяпти. Оқибатда олинган ёнилғи етишмай, танқислик юз бераяпти. Мутахассислар бунинг сабабини аниқлаб, тегишли чоралар кўриш ўрнига турли ташкилотларнинг эшигига бош уриб боришни афзал билишмоқда.

Келинг, яхшиси мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили 15 минг литр бензин, бир неча ўн тонна мой ҳар хил ташкилотлардан «тиламчи»лик қилиб олинди. Бу йил ҳам аҳвол ўзгармади. 1991 йилнинг биринчи чорагида анчагина ёнилғи четдан олиб «ҳазм» қилиб юборилди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, корхонадагилар тежамкорликни айрича талқин қилишга, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга устаси фаранг бўлиб кетишган экан. Қоғозларда ҳаммаси расмийлаштирилган — катта тежамкорликка эришилгани тўғрисида мақтовлар битилган. Дейлик, ўтган вақт ичида автобуслар билан қарийб 9 минг чақирим йўл юрилган. Бунга 2700 литр бензин сарф бўлиши керак эди. Бироқ бензиннинг қарийб ярмини — 1200 литрини «тежаб» қолишган. Юк ташийдиган машиналарда ҳам худди шу ҳол такрорланган.

Бундай «тежамкорлик»нинг сири нимада эканлигини билиш учун ҳужжатлар синчиклаб текширилганда, қуйидагилар маълум бўлди-қўйди: автомобиль иши ҳисобга олинадиган давлат сарҳисобида бензин билан ишлайдиган машиналарнинг босиб ўтган йўли 29 минг, дизелли юк машиналарники — 38 минг, махсус машиналарники эса 24 минг чақиримга ошириб кўрсатилган. Бундай қўшиб ёзиш бензинга, умуман ёнилғига бўлган эҳтиёжни ошириб кўрсатиш мақсадида қилинган. Яъни, босиб ўтилмаган йўлни давлат ҳисоботларига киритиш билан қинғир ишга қўл урилган.

Очиғи, бухгалтериядаги ишлар ўлда-жўлдалиги, ҳисоботлар номига тузилаётганлиги раҳбарларни ташвишга солмаяпти. Натижада олинган ёнилғи талон-торож қилиб юборилмоқда. Масалан, транспорт цехида 4 минг литр бензин берилган бўлсада, унинг сарф-ҳужжатларини тайёрлаб қўйиш, бухгалтерияга топшириш омбор мудирининг хаёлига ҳам келмаган. Тўғриси, бу бензин қаерга сарфланганлигини ҳеч ким билмайди. Йўл варақалари умуман йўқ. Корхонада нефть базаларидан қанча бензин олинаётгани, улар ҳисобининг юритилиши вақтивақти билан текшириб турилмаган. Шу сабаб баъзи ҳолларда таъминотчи ташкилотларга ортиқча маблағ ўтказиб юборияпти. Ўтган йили нефть базасига 514 сўм ўрнига 1267 сўм тўланган.

Заводдаги ёнилғига тааллуқли ҳужжатлар кўздан кечирилганда шу нарса маълум бўлдики, фойда ва зарарни фарқлай олмайдиган, ажабтовур кишилар бу ерда анчагина экан. Бўлмаса, ойига 390 сўм тўлаб туриш шарти билан завод ўзининг «КамАЗ» автомашинасини пудратга бериб юбориб, бутунлай бошқа автомобиль корхонасидан ойига 3 минг сўм пул тўлаб туриш шарти билан худди шундай «КамАЗ» автомашинасини пудратга олармиди? Ҳисобини билмаган ҳамёнидан ажралади, деб шунга айтсалар керак-да! Бунақада ишчиларнинг топган ҳалол пулини ҳам «туя қилиб юбориш» ҳеч гап эмас-ку!

Ҳисоб-китоб ишларининг бундай чалкашлиги, ёнилғидан фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳеч вақт яхшиликка олиб келмайди, қирқ йилдан кейин ҳам қийғиғи чиқади. Бинобарин, корхона тафтишдан ўтказилганда моддий жавобгар шахс Л. Мастерской ҳисобидаги дизель ёнилғисидан 457 литр, ғалтак мойидан 2951 килограмм, бензиндан эса 395 литр ортиқча чиқди. Бунинг устига нефть омборининг ҳолати ниҳоятда ёмон. Сиғимларнинг қопқоқлари эинч ёпилмайди.

Бу ерда зарур ҳимоя воситалари йўқлиги туфайли 2 тонна бензин бугланиб йўқолмоқда. Ёнилғи тарқатиш ускуналарида муҳрлар йўқ, бемалол ҳаммасини ўзгартириш мумкин. Сиғимларнинг тубида эса 7 сантиметрдан 70 сантиметргача сув ва бошқа қолдиқлар бор.

Тўғриси, мазкур корхонадаги хўжасизлик бошбошдоқликнинг яна бир ачинарли томони бор. Бу ерда ёнилғи мойлаш маҳсулотларига сарфланаётган нодўрин харажатларнинг ҳаммаси завод ҳисобидан қопланмоқда. Натижада айрим «ҳотамтой»ларнинг қўли узун бўлмоқда. Улар нефть маҳсулотларини ўз билганларича тарқатишяпти.

Эндиликда бунга чек қўйиш лозим. Аввало, ҳар бир ходимнинг ўзи ишлаётган жойда жавобгарлик масъулиятини кучайтириш керак. Қаерда хўжасизликка, давлат мулкини талон-торож қилишга йўл қўйилса, ўша ерда айбдорлар топилиб, келтирилган зиён бевосита уларнинг чўнтагидан ундириб олиниши, ўринли ҳолатларда эса жиноий жавобгарликка тортилиши зарур. Ана шундагина ҳамма иш ўз жойига тушади, тежамкорлик ҳақидаги ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди.

**С. САЛИМОВ,**
**Ш. МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР давлат нефть маҳсулотлари назорати бош бошқармасининг ходимлари.**

## «ҲОТАМТОЙЛАР»


## ЮРТДОШЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Олий Кенгашининг топшириғига биноан шу жумҳурият жамоатчилигининг мўътабар гуруҳи Узоқ Шарқда Ўзбекистон вакиллари хизмат қилаётган маиший, касбий ва маънавий шароит билан танишмоқда. Делегация ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиши фактларига алоҳида эътибор бермоқда.

— Офицер Н. Шмачков хизмат қилаётган ҳарбий қисмдаги тартиб бизга ёқди, — дейди делегация раҳбари Ш. Нажимов. — Казармалар озода ва шинам, жангчиларнинг овқати яхши. Бироқ биз борган жойларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол яхши эмас. Аскарларнинг тақдирига, жангчиларнинг маданий талаб-эҳтиёжларига бепарволик мисолларини кўрдик.

Жумҳурият делегациялари округ қўшинларига ҳар йили келиб туришибди. Командирларнинг айтишича, бундай ҳар бир учрашув ҳарбий бўлинмалар турмушида яхши из қолдирмоқда.

**Г. АНИСЕНЯ,**
**ТАСС мухбири.**
**Узоқ Шарқ ҳарбий округи**



**Наманган вилояти. Норин районлараро улгуржи савдо базаси мўъжаз корхоналар очиш йўли билан халқ истеъмоли буюмларини тайёрлашни кўпайтира бошлади. Яқинда иш бошлаган гилам-полос тўқиш цехида 100 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Йил охиригача бу ерда 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади.**

**СУРАТДА: цехнинг моҳир тўқувчиси Одинахон Абдуллаева тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.**

**Суратқаш Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ.**

**КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ БЮРОСИДА**

## Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕНИНГ АРИЗАСИ ҲАҚИДА

«Интерфакс» ахборот бошқармаси Э. А. Шеварднадзенинг КПСС Марказий назорат комиссиясига 1991 йил 3 июлда топширган аризасини тарқатди. У ўз аризасида партиядан чиққанлигини билдирган эди. Э. А. Шеварднадзе аризанинг бир нусхасини СССР Ташқи ишлар вазирлигининг бошланғич партия ташкилотига юборди. Бу ташкилот Уставга мувофиқ унинг КПССга аъзолигини тўхтатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Э. А. Шеварднадзе аризасининг руҳи муносабати билан биз унинг айрим жиҳатлари хусусида ўз фикримизни билдиришга мажбурмиз.

Биринчидан, Э. А. Шеварднадзенинг КПССдан чиққанлигини маълум қилишга мажбур этган сабаблар уйдирмалиги эътиборни ўзига тортади. Гўё КПСС Марказий назорат комиссияси раёсати бюросининг Э. А. Шеварднадзе чет эл сафарига борган вақтида СССРда «КПСС билан параллел» ишлайдиган янги демократик партия тузиш зарурлиги тўғрисида айтган фикрлар муносабати билан партиявий текшириш ўтказиш (яъни, иш тафсилотларини ҳар томонлама ўрганиш) тўғрисидаги қарори шундай сабаблардан бири бўлган. Бу фикрлар ўзи аъзо бўлган Марказий Комитет Пленумида эмас, совет партия матбуотида эмас, балки бошқа жойда айтилганини эътиборга олиб, КПСС Марказий назорат комиссияси КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қандай партия тузмоқчи эканини аниқлаш учун Э. А. Шеварднадзени таклиф этди.

Бундай таклиф этиш фактининг ўзи Марказий назорат комиссиясининг иш тажрибаси учун табиийдир. Масалан, яқинда КПССдаги турли оқимларнинг раҳбарлари позицияларни аниқлаш, ўртоқларча мунозара қилиш учун КПСС Марказий назорат комиссиясига таклиф этилган эди. Улар бунга тўла-тўкис хайрихоҳлик билан муносабатда бўлдилар. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Э. А. Шеварднадзе Марказий назорат комиссиясига қилинган таклифни нега «қийноқ тергови» деб қабул этганлиги таажжубланарлидир. Партиянинг янги назорат органлари бир йил давомида коммунистларнинг КПСС XXVIII съезди номига юборган 3,5 мингтадан кўпроқ шикоят аризасини кўриб чиққанлиги партияга яхши маълум-ку, ахир. Улардан кўпларининг пок номи қайтариб олиб берилди, улар партияга тикланди. Ҳўш, қандай қийноқ ҳақида гап бораяпти ўзи?

Иккинчидан, Э. А. Шеварднадзенинг: «Мен бундай суд мажлисида ҳар қандай вазиятда ҳам тергов остидаги шахс бўлмайман...» деган асоссиз даъвоси, юмшоқ қилиб айтганда, одобсизлик бўлиб кўринмоқда. Марказий назорат комиссиясига мурожаат этаётган коммунистлар: бу даъво қандай асосга таянади, деб ўринли равишда таажжубланмоқдалар. КПСС Марказий назорат комиссияси XXVIII съезд тасдиқлаган қоидага ва бошқа ҳужжатларга қатъий мувофиқ равишда иш тутмоқда, бу ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўша пайтда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси бўлган Э. А. Шеварднадзе бевосита иштирок этган эди.

Ниҳоят сўнггиси. Бизнинг фикримизча, масъул партия ва давлат лавозимларида узоқ вақт ишлаган кишининг намойишкорона бундай ҳаракати унинг партиядан чиқиши ҳақиқий сабабларини яшириш учун бир ниқобдан бошқа нарса эмас. Э. А. Шеварднадзенинг «Бундай қарорга келишим осон бўлмади», деган гапи самимийлиги эҳтимолдан холидир. Аксинча, Э. А. Шеварднадзе партиядаги ҳозирги вазият учун ўз зиммасидаги масъулиятнинг катта улушидан бўйин товлаш майли билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун фаол курашишдан бош тортди ва амалда КПССга мухолиф бўладиган янги партия тузиш билан шуғулланиб бошлади.

Шундай қилиб, Э. А. Шеварднадзенинг аризаси унинг сиёсий қарашлари айниб бориши жараёнини мантиқий ниҳоясига етказди. Бошланғич партия ташкилотининг ёки КПСС Марказий назорат комиссиясининг қандай қарор қабул қилишидан қатъи назар, у ўзини партиядан ташқарига чиқариб қўйди.

**Ўрта мактабни битириб, ҳаётга йўлланма олган ҳар бир йигит-қиз ўқишни давом эттириш мақсадида олий ўқув юртлари томон оқиқади. Бу ердаги ўқиш, тинимсиз изланиш, масъулият ёшларни чиниқтиради. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ёшларгина олийгоҳнинг олтин остонасига бемалол одим қўядилар.**

**Ҳозирги ҳаяжонли дамларда ҳар бир йигит-қиз шу ҳақда ўйлайди. Ҳужжатлар қабул қилиш давом этаётган ва синов онларига оз вақт қолган дамларда биз Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи С. ҒУЛОМИДДИНОВ билан учрашдик.**

— Тўғрисини айтишим керак, — деди у, — бозор иқтисодиёти шароитида халқ фаровонлиги даражаси қайси соҳада ва қаерда бўлмасин илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида таълим даражасини такомиллаштиришни, айниқса, олий таълим зиммасига катта масъулият юклайди.

Шу нуқтаи назардан вазирлигимиз тавсияси билан олий таълим даражасини кўтариш мақсадида жумҳуриятимизнинг вилоятларида бир қатор олийгоҳлар, шохобчалар, қуллиётлар очилди. Жойларда малакали мутахассислар тайёрлаш учун замин яратилди. Фарғона вилоятида давлат дорилфунуни, Наманган вилоятида эса саноат технология олийгоҳи иш бошлади. Пойтахтимиздаги кўпгина олийгоҳларда янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу келажакда жойларда мутахассисларга бўлган муҳтожликка барҳам беришга қўйилган дадил қадамлардан биридир.

Вазирлигимиз тасарруфидаги олийгоҳларда сифатли мутахассислар тайёрлашнинг асосий негизларидан бири айнан қабул пайтида олий ўқув юртларига муносиб ёшларни танлаб олишдан иборатдир. 1991 йили вазирлигимиз томонидан тасдиқланган ЎзССЖ олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари бундай ёндашув ёшларимизга катта имкониятлар яратади.

Олий ўқув юрти қабул комиссияларига имтиҳонни ўтказиш шакллари, кириш имтиҳонларининг баҳо системасини белгилаш, комиссиянинг жойларга бориб имтиҳон олишини ташкил қилиш, олий ўқув юрти қабул комиссияси иштирок этган ўрта ўқув юртларининг битирув имтиҳонлари, олимпиадалар, айрим фанлар бўйича конкурс натижаларини кириш имтиҳонлари билан тенглаштиришдек имтиёзлар берилди.

Жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг фақат асл нусхасини топширишлари лозим. Бу талабни ҳозирги пайтда шароитимиз тақозо этади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчи абитуриентлар эса иш жойидан албатта маълумотнома топширишлари керак.

Қабулнинг ташкилий масалалари, айниқса абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни такомиллаштиришни талаб этаётир. Ёшларимизнинг кўп вақти ҳудди шу пайтда беҳуда сарфланаётганлиги ҳаммага аён. Бу борада Тошкент Давлат техника дорилфунуни яхши ишларни йўлга қўйган. Бу ерда қабул ташкил этишда компьютерлардан фойдаланилмоқда. Саноқли дақиқалар ичида керакли маълумотлар электрон-ҳисоблаш машинасига киритилиб, унга имтиҳон варағи берилаётир. Натижада абитуриент учун имтиҳонлардан олдин қимматли ва зарур бўлган вақт тежалади, қабул жараёнидаги хатоликларга ҳам чек қўйилади. Асосийси эса ташкилий ишлар даражаси бир неча поғона кўтарилади. Дорилфунуннинг бу тажрибасини келгуси йил барча олийгоҳларда тадбиқ этишни кўзда тутмоқдамиз.

Ҳаяжонли дамлар яқин. Қабулда ҳаққонийлик, поклик, тўлақонлилик бўлишини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун қабул комиссиялари таркибига халқ ноиблари, байналмилалчи жангчилар, жамоа ва бошқа жамоатчилик ташкилотларидан вакиллар киритилгани айни мудда бўлмоқда.

**Иккинчи суҳбатимиз Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ихтиёридаги педагогика олий ўқув юртларига 1991 йилги қабул қоидалари хусусида бўлди. Биз вазирликнинг педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бош бошқармаси бошлиғи Б. ҒОФУРОВ билан суҳбатлашдик.**

— Талабаликнинг дастлабки довони оғир кўчиши табиий, албатта. Бугунги кунда вазирлигимиз ихтиёридаги барча педагогика ўқув юртларида ҳужжат топшириш, консультациялар ўтказиш қизғин бормоқда. Ҳадемай, кириш имтиҳонлари бошланиб кетади. Биз бу йил қабул қоидаларига бироз ўзгартиришлар киритдик.

1991 йилда Ўзбекистон ССЖ ўрта мактабларини олтин (кумуш) медаль билан тугаллаган ўқувчилар педагогика олий ўқув юртлари ҳамда «Мусиқа», «Чизмачилик ва тасвирий санъат» мутахассисликларига ариза топширганлар билан мутахассисликка оид фанлар синовдан «ўтди», «ўтолмади» қабилида синов суҳбати ўтказадилар ва белгиланган миқдорга биноан қабул қилинадилар.

Суҳбат ректор буйруғи билан тасдиқланган, ҳар бир мутахассислик бўйича уч кишидан иборат комиссия томонидан ўтказилади.

Байналмилал жангчи абитуриентлар «Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия» мутахассислигига ихтисосликка оид фандан ўтказилган суҳбат натижасига кўра «синовдан ўтди», «ўтолмади» қабилида имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари юқорида қайд қилинганлар учун жойлар сонини, мутахассисликлардан, таълим олиш тилидан келиб чиққан ҳолда, қабул режаси умумий кўрсаткичининг 75 фоизига қадар белгилайдилар. Ҳужжатларни қабул қилиш вақтигача бу маълумотлар ҳақида эълон бериб борадилар. Бошқа жумҳуриятлардан шартнома асосида келадиган абитуриентлар қабули ва тайёрлов бўлимига ажратилган жойлар бундан мустаснодир.

Айтайлик, педагогика олий ўқув юртининг бир мутахассислиги учун олтин медалли ва педагогика билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган абитуриентлар сони 50 нафар бўлди. Бундай даъвогарлар сони ҳужжатлар қабул қилиш тугагунга қадар шу миқдорда қолса улар суҳбатсиз қабул қилинадилар. Бироқ, уларнинг сони режалаштирилганидан ошиб кетгудек бўлса, барча медалли ва имтиёзли диплом олган ёшлар суҳбат йўли билан қабул қилинадилар.

Нега шундай бўляпти? Кейинги пайтларда кўпгина йигит-қизлар фақат жумҳурият пойтахтида ўқишни истаб шу ҳолатга тушиб қолмоқдалар. Бугунги кунгача биргина Низомий номидаги педагогика институтининг кўпгина мутахассисликлари бўйича ҳужжат топширган медалли ва имтиёзли ёшларнинг сони режадагидан анча кўпдир.

Суҳбатдан ўтолмаган абитуриентнинг тақдири сизни қизиқтириши мумкин. Бундай ҳолда абитуриент биринчи имтиҳондан «аъло» баҳо олса талабаликка ўтган ҳисобланади. Бироқ «яхши» баҳо олса у тақдирда барча имтиҳонларни топширишга ва конкурсда иштирок этишга тўғри келади.

Педагогика олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари, Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган «Ишончли ўқитувчи» тажрибасида иштирок этаётган мактаб ўқитувчиси томонидан ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага қўйган баҳосини абитуриентнинг имтиҳон варақасига қўйиб берадилар.

Педагогика олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидан «қониқарли» баҳолар олган заҳирадаги байналмилалчи жангчилар, етим болалар ҳамда ота-она қаровисиз қолган болалар конкурссиз ўтадилар.

**Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири М. ПИРМАТОВ олиб борди.**

## • Кириш имтиҳонлари арафасида

# ОРЗУ ОСТОНАСИ

# ҚИТЪАЛАР БЎЙЛАБ

## Европа

### ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Буюк халқ мажлиси ишлаб чиққан Болгариянинг янги конституцияси мамлакатда «демократик жараёнларни амалга ошириш учун ишончли негиздир», деди Болгария Республикасининг президенти Желю Желев. У пайшанба куни мамлакат телевидениеси орқали Болгария халқига қилган мурожаатида шу гапни айтди. Тахмин қилишларича, асосий қонун жума куни узил-кесил қабул қилинади. Шу куни халқ вакиллари конституцияни имзолайдилар.

### ГРАЖДАН МУДОФААСИ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

«Ядро қуроли қўлланиладиган халқаро можаролар хавфи камайгани муносабати билан Буюк Британия ҳукумати граждан мудофааси тизимини янада ихчам қиладиган пайт келди, деган хулоса чиқарди». Бу ҳақда ички ишлар вазири Кеннет Бейкер Британия парламентининг умум палатасида гапирди.



Базель. Европа Нумизматика ярмаркасида 150 танга ва нишонлар намойиш этилади.

Кейстон-ТАСС сурати.

## Осиё




Токио. Шаҳар кўчаларида ҳаёт бир зум тинмайди. Чанқовбосди ичимликларни автоматдан харид қилиш мумкин.

А. КАТЬКОВ олган сурат (ТАСС).

### ТЕЛЕФАКС ЁРДАМИДА

Ҳозирги вақтда ВСРда СССР ёрдамида қурилган иккита «Лотос» йўлдош алоқа станцияларидан ташқари бешта интерсат станцияси ишлаб турибди. Шу станциялар туфайли (ҳозир улардан олис вилоятлар аҳолиси ҳам фойдалана олади) фақат Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари билан эмас, шу билан бирга Австралия, АҚШ, Ҳиндистон, ХХР, Япония, Европа давлатлари билан ҳам ишончли алоқа боғланмоқда.

### ХИТОЙ АҲОЛИСИ

Хитой аҳолиси XXI асрда 1,5 миллиардли маррадан анча ўзиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Сўнгги марта аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига қараганда, Хитой (Тайвань оролидан ташқари) аҳолиси 1990 йилда 1 миллиард 143 миллион кишига етди, йиллик ўсиш кўрсаткичи эса 17 миллиондан ошиб кетди.

## Америка

### НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш Жанубий Африка Республикасига қарши иқтисодий жазо чораларини тўхтатишга қарор қилган эди. Негрларнинг мамлакатдаги энг катта жамоат ташкилотлари — қора танли аҳоли тараққиётига кўмаклашувчи миллий уюшманинг Техас штати Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган ҳар йилги съезди пайшанба куни шу қарор хусусида қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирди.

### ҚУЁШ ТУТИЛДИ


Пайшанба куни Мексика ҳудудининг кўпчилик қисмида Қуёшнинг тўла-тўкис тутилиши содир бўлди. Мамлакат пойтахти — Мехикода қуёш тутилиши маҳаллий вақт билан соат 13 дан 20 минут (Москва вақти билан соат 22 дан 20 минут) ўтганда бошланиб, салкам 7 минут давом этди. Бу — XX асрда қуёш тўла тутилишининг энг узоқ давом этган даври бўлди.




Лима. шаҳардаги бева-бечора фуқароларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дори-дармон юборди.

ДПА-ТАСС фотоси.

## Африка



Қоҳира. Эл-Аламайн яқинидаги музейда ҳарбий техника қолдиқлари намойиш.

М. ДИШЛЮК ва М. КРУТИХИН олган сурат. (ТАСС).

### ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИЛАР

Жанубий Африка Республикаси спортчилари келаси йил Барселона шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадилар. Халқаро Олимпия Комитети шу ҳақда қарор қабул қилди.

Маълумки, ЖАР ҳокимияти ўтказган ирқчилик сиёсати бу мамлакат вакиллари туфайли 1970 йилдан бошлаб энг кучлилар мусобақасидан четлаштирилган эдилар.

### ВАКИЛЛАР ИШТИРОКИДА

Эфиопия мамлакати ўз келажагини белгилаш йўлида қадам қўяётир. Адди-Абеба шаҳрида умуммиллий конференция бўлиб ўтди. Бунда Африка Бирлиги Ташкилоти, Қўшма Штатлардан халқаро кузатувчилар иштирок этишди.

(ТАСС материаллари асосида).

# «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ 15—21 ИЮЛЬ

## ҲАР КУНИ

8.25 Соғлом бўлай десанг (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-II).
18.00 Ўзбекистон телевидениесининг **«Янгиликлар»** кўрсатуви. (ЎзТВ-II).
19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ-I).
22.20 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси. (ЎзТВ-I).
6.00 да Марказий телевидениенинг **«Тонг»** мусиқий кўрсатуви. (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).
20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг **«Время»** программаси.
11.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30— ҳар куни МТ-I).
8.00 да **Эрталабки бадантарбия** (МТ-II орқали, якшанба куни **«Зарядкага сафланинг»**).
19.45 да **«Хайрли тун, кичкинтойлар!»** (МТ-II).

## • 15, душанба

**ЎзТВ I**
18.10 Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик ришталари». 19.10 «Бутун умр давомида». Ҳужжатли фильм. 19.50 «Ўзбекистон телевизион киножурнали. 20.00 «Суянчим—шеърият». 21.10 Тижорат хабарлари. 21.20 «Рақсларим — орзуларим». 22.25 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».

**МТ II**
18.05 «Ассалому алайкум». 19.05 «Акс садо». «Спринт» кўрсатувига илова. 19.35 «Сухбатга чорлаймиз». 20.30 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

**МТ I**
18.00 ТСН. 18.15 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ. 18.30 «Москва — Вашингтон» телекўприги. 19.35 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 1-серия. 21.10 «Кинопанорама». 21.25 Футбол шарҳи. 21.55 М. Булгаков ҳақида хотиралар. 23.00 Кўп сериялы телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси (ГФР—Швейцария). 5-серия. 23.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 23.50 М. Матусовский хотирасига. 00.50 «Лўли ҳикоялари». Бадиий-ҳужжатли фильм. 01.40 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 1-серия.
20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.10 Коллаж.
**«ТОШКЕНТ»**
**СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**
21.15 «Акс садо». 21.45 «Уч плюс икки». Бадиий фильм. 23.15 «Телевизион мусиқий абонемент». 00.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Қарзга олинган портрет». Телефильм.

## • 16, сешанба

**ЎзТВ I**
8.35 «Қандай бўлмасин». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Абитуриент-91». 19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.50 «Ўғил, набира ва эвара». Телефильм. 20.00 «Илғор тажриба мактаби». 21.10 Гулбаҳор Эркулова куйлайди. 22.25 «Ноқулай одам». Бадиий фильм.

**ЎзТВII**
18.05 Болалар учун фильмлар. 19.00 «Лаҳза». Хабарлар. 19.10 «Шаҳар юмушлари». 19.30 «Зиёкор». 20.10 Кичик концерт.
20.30 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

**МТ I**
8.30 «Николас Никльби» Бадиий фильм, 1 ва 2-серялар. 10.15 Мультфильм. 10.30 Болалар соати. 11.30 ТСН. 11.45 М. Булгаков ҳақида хотиралар. 12.45 Долзарб репортаж. 13.45 «Телемикст». 14.30 ТСН. 14.45 «Дунёнинг қувончлари». Бадиий фильм, 6-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Меросхўрсиз». Телефильм. 16.45 Чемпионлар билан биргаликда. 17.00 «Болалар мусиқий клуби». 17.45 Мультфильм. 18.00 ТСН. 18.15 «Сиз яратган боғ». 18.45 «Бозор қонунларига биноан». «КамАЗ» уфқлари». 19.15 Ю. Мазурок куйлайди. 19.35 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 2-серия. 21.10 Долзарб репортаж. 21.25 Е. Образцова ижросида рус романслари. 22.25 «Мусиқий башорат». 23.15 ТСН. 23.35 «Орбита ва ундан кейин». Ҳужжатли фильмлар, 1 ва 2-сериялар. 00.30 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 2-серия.

**МТ II**
8.20 «Актёрлик санъати». Н. Подгорний. 9.25 «Муҳофаза ёрлиғи». 9.55 Ритмик гимнастика 10.25 «Балиқ овлаш мавсуми». Бадиий фильм, 1-серия. 13.30 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чукоккала». 14.25 Б. Лавренев ижоди саҳифалари. 15.05 «Мен қўшиқ куйлашни яхши кўраман». Муса Маликов иштирокида мусиқий кўрсатув. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Россия тароналари». 18.40 Сталинград жанги тарихининг кам ўрганилган саҳифалари ҳақида. 19.30 «Чегем». Телефильм. 20.00 Р. Штраус. «Метаморфозалар». 21.10 Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестри. 22.00 «Тошкент» студияси кўрсатади.

## • 17, чоршанба

**ЎзТВ I**
8.35 Такрорий фильмлар экрани. «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси савол-ларингизга жавоб беради. 10.30 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик видеоканал. 18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида». 18.50 «Абитуриент-91». 19.50 «Қўшиқ рақсга уланса». Мусиқий кўрсатув. 20.25 Спортлото. 21.10 Катталар учун мультфильм. 21.20 Телевизион новеллалар театри Тавфиқ ал Ҳаким. «Изҳор». 22.25 «Кино... Кино... Кино...

**МТ I**
8.30 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 3-серия. 9.25 «Болалар мусиқий клуби». 10.10 Чемпионлар билан биргаликда. 10.25 «Ойдаралик дарвеш». Телефильм. 10.35 Концерт. 11.20 Мультфильм. 11.30 ТСН. 11.45 Долзарб репортаж. 12.00 «Чили ва биз». Телевизион ҳужжатли фильм.

* * *

14.30 ТСН. 14.45 «Қаердадир уруш борарди». Бадиий фильм, 1-серия. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 Мультфильм. 16.30 «Жосус». Ҳужжатли фильм. 16.50 Болалар учун фильм. «Камалакдан баландда». 1-серия. 18.00 ТСН. 18.15 «Планета». Халқаро программа. 19.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.35 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 3-серия. 21.10 Юзма-юз суҳбат. 22.25 «Актёрлар биржаси-91». 23.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон. 23.50 «Беш плюс». 02.00 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 3-серия.

**МТ II**
8.15 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 9.15 Мультфильм. 9.30 «Мансудэ» ансамблининг чиқиши (КХДР). 10.05 «Балиқ овлаш мавсуми». Бадиий фильм, 2-серия. 11.00 Мультфильмлар. 13.30 Болалар учун фильм. «Эртанги кун жадвали». 14.55 «Ялта-91». 16.05 «Фантазия». Телефильм. 18.45 «Уз пулимга эга бўлмоқчиман». 19.30 «Хохловка». Телефильм. 20.00 СССР халқларининг X ёзги спартакиадаси. 21.10 Коллаж. 21.15 «Иллюзион». «Сўнгги табор». Бадиий фильм.

## • 18, пайшанба

**ЎзТВ I**
8.35 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона» 18.10 Мультфильм 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Фармон ва ижро» .19.50 «Бевосита мулоқот». ЎзССР Ички Ишлар Вазирлиги ходимлари билан учрашув. 21.10 «Истеъдод». Адабий-мусиқий кўрсатув. 22.25 «Мерос».

**МТ I**
8.30 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 4-серия. 9.25 Мультфильм. 9.45 А. Руссель. «Ўрмон ҳақида достон». 1-симфонияси. 10.30 Болалар соати. 11.30 ТСН. 11.45 ИИВ маълумотларига кўра... 12.00 Телефильм. 13.45 «Телемикст». 14.30 ТСН. 14.45 «Қаердадир уруш борарди». Бадиий фильм, 2-серия. 16.00 «Қизиқувчилар олами». 16.15 «Мусиқий хазина». 16.45 Болалар учун фильм. «Камалакдан баландда». 2-серия. 18.00 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 «Цхинвали: бу кунларнинг охири бормикан?». Телефильм. 19.35 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 4-серия. 21.10 «Кинопанорама». 21.25 Юзма-юз суҳбат. 22.55 ИИВ маълумотларига кўра... 23.10 «Вологда ери санъати». 00.05 ТСН. 00.25 Кўп сериялы илмий-оммабоп фильм премьераси 6-серия. 00.55 «ВИД» таништиради: 01.55 Концерт. 02.30 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 4-серия.

**МТ II**
7.30 «Бридж». Телебиржа. 8.15 «Чашмалар». 8.45 «Режиссёр санъати». Л. Хейфец. 10.10 «Бачкана». Бадиий фильм. 13.30 Болалар учун фильм. «Елканлар». 1-серия. 14.35 «Ялта-91». 18.15 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 13-кўрсатув. 19.00 «Севимли вальслар». Концерт. 19.30 «Альфа-альфа». Телефильм. 20.00 Ритмик гимнастика. 21.10 «Пульс». 21.20 Қизиқарли учрашувлар соати. 22.45 Телеспектакль.

## • 19, жума

**ЎзТВ I**
8.35 Болалар учун фильм. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бир келиб кетинг Кўргонтепага». 10.20 «Ҳокимият Шўроларда». 18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Жажжи қўшиқчилар». 19.00 «Халқаро ҳаёт». 19.50 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 20.00 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов. 21.10 Тижорат хабарлари. 21.15 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов (давоми). 22.25 «Маҳорат». Дубляж устаси Мукамбар Раҳимова.

**МТ I**
8.30 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 5- ва 6-сериялар. 10.15 Мультфильмлар. 10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.30 ТСН 11.45 «Мапет-шоу». Кўп сериялы телевизион қўғирчоқ фильм-концерт. 7 ва 8-сериялар. 12.35 «Тушимга куй кирибди». Фильм-концерт. 14.30 ТСН. 14.45 «Қаердадир уруш борарди». Бадиий фильм, 3-серия. 16.00 «Юрмаладан... Санремогача». 16.25 Мультфильм. 16.45 Телефильм. 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Инсон ва қонун». 19.15 Ленинград филармониясининг академик симфоник оркестри чалади. 19.35 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 5-серия. 21.10 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 6-серия. 22.05 Долзарб репортаж. 22.20 «ВИД» таништиради. 01.20 ТСН. 01.40 «Николас Никльби». Бадиий фильм, 5 ва 6-сериялар.

**МТ II**
7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 «Сени қара-ю, Тишка, Тишка». Мультфильм. 8.30 «Жонли сайёра». 9.25 «Қўшиқ плюс дўстлик». Болалар бадиий жамоаларининг чиқиши. 10.00 «Компьютер билан мулоқот». 10.45 «Степан Эрзянинг уч орзуси». 13.30 Болалар учун фильм. «Елканлар». 2-серия. 14.35 «Червянка яқинидаги хутора». Телефильм. 15.00 А. С. Пушкин. «Белькин қиссалари» «Тобутсоз». Телеспектакль. 18.45 Квинтет-вариацилар. 19.00 Академик эшкак эшиш. 19.30 Телефильм. 20.00 Жаҳон бозорининг калити. 21.10 Коллаж. 21.15 «Бу оқшомда».

## • 20, шанба

**ЎзТВ I**
8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ахборот». 9.25 «Ҳар қалай эркаклармиз». Бадиий фильм. 10.35 «Футбол майдонларида». 11.05 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон». 11.45 «Изланиш». Илмий-оммабоп кўрсатув. 12.25 Дала юмушлари. 12.55 Уйғун. «Парвона». Спектакль. 18.00 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.45 Эстрада концерти. 21.10 Телевизион театр. Пиримқул Қодиров. «Жон ширин». 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Садоқат». Бадиий фильм. 1-серия. (Ҳиндистон).

**МТ I**
6.00 «Бағишлов». Телефильм. 6.15 Мультфильмлар. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 ТСН. 8.15 «Сиз яратган боғ». 8.45 «Авлодлар учун асраб қоламиз». 8.55 «Ҳисоб бошланади». 9.25 «Бельгия—Европа чорраҳасидаги мамлакат». 10.25 «Тонг юлдузи». 11.25 «Бурда моден» таклиф этади...». 11.55 «Образ». 13.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида». «Қизил бошмоқчалар» Бадиий фильм. 14.30 ТСН. 14.45 «Русни бир дард бирлаштиради...». 15.55 «Рақсга бахшида умр». 17.00 «Майя ариси». Кўп сериялы мультфильм премьераси 7-серия. 17.25 «Халқаро панорама». 18.10 Режиссёр Б. Шамшиев фильмлари. «Бўри уяси». 21.10 «Бахтли тасодиф». 22.10 «Йиллар оша табассум». 23.25 Олег Газманов концерти. 00.25 «Қўзирларсиз ўйин». Бадиий фильм, 1-серия.

**МТ II**
7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.45 Мультфильм. 8.00 Концерт. 8.15 «Инсон. Ер. Коинот». 9.00 Рус тили. 9.30 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ. 11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 «Питалово». Телефильм. 15.00 «Спорт ҳамма учун». 15.15 «Ушбу қўшиқни ёдда тут». Катталар ва болалар учун кўрсатув. 15.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. 16.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 18.15 Концерт. 18.30 Биз яшаётган олам. 19.30 Телефильм. 20.00 Бадиий гимнастика. 21.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. 23.15 «Синовлар пайти». Бадиий фильм. 00.15 «Йўрға отлар орасида.

## • 21, якшанба

**ЎзТВ I**
8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм. 10.25 «Саломат бўлинг!». 11.25 Араб тили. 11.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Биргаликда куйлаймиз». 12.25 Инглиз тили. 12.55 «Деҳқон ва замин». 13.55 Телевизион новеллалар театри. А. П. Чехов. «Зўраки трагик». 14.35 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада» 15.35 «Агросаноат банки — тадбиркорлар ҳамроҳи».
18.00 Мультфильм. 18.25 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.55 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп кўрсатув. 19.50 «Рақслар гулдастаси». 21.10 «Ҳам кулдиради, ҳам куйдиради». 22.25 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.

**МТ I**
8.00 Биржа янгиликлари. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.30 «Здоровье». 13.00 Мультфильмлар. 13.45 «Сиз бунга қодирсиз». 14.30 ТСН. 14.45 «Янги авлод танлайди». 16.00 «Нуқтаи назар». 16.35 «Қишлоқ янгиликлари». 17.35 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. »Уч ака-ука» (Индонезия). 17.40 «Уолт Дисней таништиради...». 18.30 «Делегатскаядаги музей». «Кубачи овулилик уста». 18.45 Оила экрани. «Катта болалар». Бадиий фильм. 21.10 Бадиий гимнастика. СССР чемпионати. 21.55 «Хронограф». 22.10 «Монте-Карлода мусиқий соврини». 00.10 «Қўзирларсиз ўйин». Бадиий фильм, 2-серия.

**МТ II**
7.50 Мультфильмлар. 8.20 Қозоғистон ССР мусиқий фольклорининг концерти. 9.00 Ҳужжатли фильм.
9.30 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.
11.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.00 Жанна Бичевская ижро этади. 14.50 Мультфильм. 15.00 Шеърият лаҳзалари. 15.05 Д. Шостакович номли квартет чалади. 15.15 Педагогика ҳамма учун .
16.15 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.
18.15 Муаллифлик телевидениеси. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 «Келгинди». Телефильм. 19.45 Муаллифлик телевидениеси. 21.10 Коллаж. 21.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. 22.45 «Эртаклар ўтлоғи». Бадиий фильм.


# ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ

**кафедралар ва лавозимлар бўйича ўзбек ва рус тилларини биладиган профессор ва ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**мудирлар:** хўжалик фаолиятининг таҳлили, мевачилик ва узумчилик, жисмоний тарбия, чет тиллар (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳлар; маданият, ижтимоий психология ва педагогика, агросаноат комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари;

**профессорлар:** сабзавотчилик, умумий деҳқончилик;

**доцентлар:** қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси ва физиологияси (2), ўсимликлар физиологияси ва биокимё, энтомология ва ўсимликларнинг яхшилаштирилган ҳолдаги муҳофазаси, бухгалтерия ҳисоби ва молия (2), ўрмоншунослик (меъморлик фанлари бўйича), мевачилик ва узумчилик (2), умумий ва хусусий ҳайвоншунослик (2), ўсимликшунослик, бошқарув ва совет ҳуқуқи (3), иқтисодий кибернетика (2), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши энергетикаси, агросаноат комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, социализм назарияси, ўзбек тили, маданият, ижтимоий психология ва педагогика (3), органик ва физколлоид кимё, фалсафа, ўрмоншунослик ва ўрмондаги дарахтларнинг ҳажми ва миқдорини аниқлаш, умумий деҳқончилик;

**катта ўқитувчилар:** биология ва умумтаълим фанлари (рус тили), бухгалтерия ҳисоби ва молия (2), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, жисмоний тарбия, рус тили, бошқарув ва совет ҳуқуқи, физика олий математика (2), фитопатология, пахтачилик;

**ўқитувчилар:** фуқаро мудофааси (3), рус тили, жисмоний тарбия (5), чет тиллар (инглиз тили — 8, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларда), ўзбек тили (2);

**ассистентлар:** агрокимё, бухгалтерия ҳисоби ва молия (4), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш (3), сиёсий иқтисод, мевачилик ва узумчилик (2), умумий ва хусусий ҳайвоншунослик (3), бошқарув ва совет ҳуқуқи (3), иқтисодий кибернетика, социализм назарияси (2), сабзавотчилик, хўжалик фаолиятининг таҳлили, ижтимоий-сиёсий тарих, биология ва умумтаълим фанлари, тупроқшунослик, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси ва физиологияси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, агросаноат комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, қишлоқ хўжалиги иқтисоди (2), ўрмон мелиорацияси, умумий деҳқончилик, ипакчилик ва тутчилик (2), маданият, ижтимоий психология ва педагогика (3), олий математика.

**Илмий-тадқиқот тажриба станцияси бўйича:** ўсимликшунослик бўлимининг катта илмий ходими, пахтачилик бўлимининг кичик илмий ходими.

ТАНЛОВ МУДДАТИ 10 АВГУСТГАЧА.

Ҳужжатлар танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, Тошкент давлат аграр дорилфунуни.

**Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари**

**ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасига қарашли**

МАРҒИЛОН АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ИЖАРА КОРХОНАСИ (МАРҒИЛОН АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ)

**1991 ИЛ 25 АВГУСТГА ҚАДАР**

**корхонага 1987, 1988, 1989, 1990 йилларда таъмирлаш ва қайта тиклаш учун заводга топширилган машина ва механизмларни қайтадан рўйхатдан ўтказишларини**

**СУРАЙДИ**

**Корхона маъмурияти 1991 йил 25 августгача қайта рўйхатдан ўтмаган машина ва механизмлар юзасидан даъволарни қабул қилмайди ва 1987—1990 йиллар ичида топширилган машина ва механизмлар рўйхатидан ўчирилади ҳамда қайтариб берилмайди.**

**Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Ҳисоблаш маркази «КИБЕРНЕТИКА» бирлашмасининг илмий-ишлаб чиқариш**

КИБЕРНЕТИКА ИЛМГОҲИ

«Образларни таниб олиш» лабораторияси мудири (физика-математика фанлари номзоди, фан доктори) **бўш лавозимларга**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой**

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй. Телефон: 62-71-92.

**ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлигининг «Ўзбекистон» Тошкент фирмали савдо бирлашмаси

**ТУГАТИЛАДИ**

**Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:** 700021, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, «7 «а» уй.

# Гулистон

• Назм дафтаридан

## ЮРАКДАН СИРҚИГАН СЎЗЛАРИНГ...

ОМОН МУХТОРОВ

Бир қанча шеър ва ҳикоя китоблари, қиссалар, драмалар, «Йиллар шамоли», «Эгилган бош» романларининг муаллифи — таниқли ёзувчи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон МУХТОРОВ 50 ёшга тўлди. Биз ёзувчига мустаҳкам соғлиқ ва янада кўламли ижодий ютуқлар тилаймиз. Қуйида унинг янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.

Чироқлар
кузгаги сарғайган
Япроқдек
мунғайиб кўчада —
Турншар,
олишиб —
ҳурпайган
Тун билан
зулматли кечада.
Чироқлар
олишар тун билан,
Кун
секин келгунча оқариб.
Қорайган шохларда
илинган —
Охирги
япроқлар сингари...

* * *

Менга
ёш улғайиб,
қандайдир яна —
Икки китоб
сўйламоқда роз.
Бири —
болаликнинг мероси
«Сўна»,
Иккинчиси —
«Бошсиз чавандоз».

Нега
булар ҳамон
берар менга руҳ,
Сўрамасдан,
менда не имкон!!
Ҳаётимда бўлган
баёнсиз андуҳ—
Мендан кутар
гўёки исён...

* * *

Сен менинг кўз ўнгимда —
Шу кунлар,
Ажиб сурат...
Умидим йўқ ҳеч кимдан,
Сендан кутаман
Қудрат.
Сен ҳам мендан ўткариб,
Бўлсанг
Мабодо тушкун —
Дунё гўёки ғариб,
Ёниб битмасми
у кун!!

* * *

Бу дунёни кузатдим...
Кўрдим:
Барча
қолмоқ истар абадий.
Чарх айланиб,
Дунёда ҳар ким —
Ўз қисматин,
лекин топади.
Ҳаёт гарчи ўхшар оғриққа,
Ким юрмасин қандай
ҳайқириб —
Ўлгандан сўнг,
она тарихга
Болта билан бўлмайди кириб.
Кимлар бўлар
Тарих фарзанди —
Буни
фақат тарих билади.
Чарх айланиб,
Дунёда, гарчи,
Барча
Қолмоқ истар
абадий!

* * *

Бир қўшиқ сингари...
Кўзларинг,
Юзингда
бўлган-бор ифода.
Нафислик
ва ажиб
ирода,
Юракдан сирқиган
сўзларинг —



Бир қўшиқ сингари.
Билмасдим илгари...
Қор-ёмғир
Ёғгандек,
қўшиқлар дунёда
Ёғарлар
ва лекин, қандайдир —
Қўшиқ бор, баридан знёда.
Билмасдим илгари.
Мен сени тинглайман,
паризод...
Қалбимда
оламнинг сирлари.
Сен мени чорлайсан умрбод
Юксал, деб
бир қўшиқ сингари!
Бир қўшиқ сингари...

* * *

Мени эслаяпсанми!!
Мени ўйлаяпсанми!!
Юрагимга қаердан
Кириб қолди
бундай дард!!
Гўё англадим
Бирдан:
Сен, деб яшаш
энди
шарт!

## САРАЛАНГАН АСАРЛАР НАШРИ

Ҳусайн Бойқаро қирқ йил Хуросонда ҳукмронлик қилар экан, тадбиркор подшоҳ сифатида жуда кўп маърифий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга ошириш билан бирга гўзал ғазаллар битди. Ҳозир унинг девонлари дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Жумладан Туркияда унинг тўрт қўлёзма асари мавжуд. Истамбул миллат кутубхонаси ва дорилфунун хазинасидаги девонлари алоҳида аҳамиятга эга.

Сулаймониянинг Оёсуфия ва Фотиҳ кутубхоналаридаги девонлари ҳам ўзининг ноёблиги билан ажралиб туради.

Турк олими профессор Камол Арслон шоирнинг ана шу қўлёзмалари асосида Ҳусайн Бойқаро китобини нашр этди.

Китоб муқовасида «Бобурнома»даги Ҳусайн Бойқаро тавсифи асосида чизилган шоирнинг расми берилган. Китобнинг сўз боши ва кириш қисмида Ҳусайн Бойқаронинг ҳаёти, унинг даврида илм ва санъатнинг гуллаганлиги тўғрисида қисқа ва мазмунли маълумот берилган.

Нашрнинг асосий қисмида шоир ғазалларидан элликтаси саралаб киритилган. Диққатга сазовор жойи шундаки, унда Камол Арслон шоир ғазаллари вазнини кўрсатиш билан бирга уларнинг туркча насрий изоҳини ҳам берган.

Китоб охирида шоир асарларидаги усмонли туркларга маъноси қийин «Ўрта Осиё туркчаси» сўзларининг луғати берилганки, у ғазалларнинг мазмунини тушунишда катта аҳамиятга эга.

Гарчи Камол Арслоннинг Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги бу рисоласи бундан йигирма уч йил аввал ўзбек олималари Суйима Ғаниева ва Шарифа Абдуллаевалар чиқарган асардан ҳажман кичик бўлса-да, унинг турк ўқувчиларидан ташқари ўзбек китобхонлари орасида қизиқиш уйғотиши табиий.

Эргаш УМАРОВ.

## ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИДАН

● Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

* * *

● Қишининг гўзаллиги — унинг тилидан билинур.

(«Ҳадис»дан),

* * *

● Кимки улуғроқ — анга хизмат керак,
Кимки кичикроқ — анга шафқат керак.

* * *

● Юз ганч кишига ақлдан ҳосилдур,
Йўқдур анга фақру фано, ким оқилдур.
(Навоий).

* * *

● Донишманд — баққол дўконига ўхшайди: борини индамайгина кўрсатади-қўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду ичи бўм-бўш ва ғариб.

(Саъдий).

• Оила даврасида мутолаа

## «САНГИ ОЙНА»

**«Исфаранинг бир шаърнйсида жануб сари пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур. «Санги ойна» дерлар. Узунлиги тахминан 10 қарич бўлғай, баландлиги баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойнадек ҳар нима мунъакис бўлур», деб ёзган эди ўз «Бобурнома»сида ҳазрати Бобур Фарғона ажойиботлари хусусида сўз юритаркан.**


Ривоят қилишларича, қадимда мол ёки буюмни ўғрига олдирганлар шу тош рўпарасига келиб, унга қараша, тошнинг ойнадек силлиқ сатҳида йўқолган буюм турган жой намоён бўлармиш.

Самарқандни иккинчи дафъа қўлдан бой бергандан сўнг Бобур бир йилча Фарғонанинг Сўх ва Ҳушёр вилоятларида саргардон юрган. Ўша пайтлари у «Санги ойна»ни ўз кўзи билан кўрган ва авлодларга тасвирлаб қолдирган.

Қарангки, ушбу тош ҳозирга қадар сақланиб қолган экан. «Санги ойна» ёки «Тошойна» ҳозирги Сўх районининг Тул қишлоғидан 8—10 чақирим олисдаги Суроти деб номланган тоғ тепасига жойлашган. У ерга чиқиб бориш анча мушкул.

Бу силлиқ ва қараганда аксинғиз кўринадиган ғаройиб тошнинг узунлиги 10—12, баландлиги 1—6 метрдир. Ўзбекистон районидаги 25-мактаб ўқитувчиси Э. Турсунов яқинда «Санги ойна»нн излаб топди ва бу ҳақда вилоят матбуотида хабар берди.

И. АЛИШЕРОВ.



● Кўлда сайр.

Р. ШАГАЕВ ва Р ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзТАГ-.

## ҚИНҒИР ИШ

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган ҳикматли гапда жон бор. Китоб район Хайробод матлубот жамиятига қарашли 35-магазин мудири Ғайрат Раҳимов бу гапнинг мағзини чақмаган кўринади. Қолаверса, у қилни қирқ ёрадиган қонуншунослар қўлига тушаман деб сира ўйламаганди. Қарши ёғ-экстракция заводидан эски нарх билан олиб келган 11252 килограмм пахта ёғини янги нархда пулламоқчи бўлди. Шу мақсадда 2 минг 82 килограмм ёғни Эшонқул Раҳимов мудирлик қилаётган магазинга ўтказди. Қолган 9220 килограмм пахта ёғини «98-28 КФЛ» номерли КамАЗ автомашинасига юклаб олиб бориб райондаги «Паландара» давлат хўжалигининг ёқилғи сақлайдиган идишига солиб яшириб қўйди.

Килограмми 1 сўм 40 тийин бўлган ёғни янги нархда 2 сўм 80 тийиндан пуллаганда 25 минг сўм нақд фойда келиши ҳисоб-китоб қилиб қўйилганди. Аммо мўмай пулга эришиш режаси ошкор бўлиб қолди. Ғайрат Раҳимов БҲСС ходимлари қўлига тушиб, режалари остин-устун бўлиб кетди.

Қамаши район колхоз бозорида Худойқул Жумаев қўлга олинди. У давлат дўконидаги молларни чайқов нархида сотарди. Далилий ашё сифатида 201 килограмм сарёғ, 86 блок болгар сигарети, 35 килограмм новвот чиқди.

— Бу нарсаларни қаердан олгансиз?

Бу саволга Х. Жумаев елка қисиб қўяқолди.

— Магазинда ишлайсизми?

— Ҳа, — деди у. Аслида Х. Жумаев Нишон районидаги 8-маданий моллар магазинида мудир бўлиб ишлайди. Маданий моллар сотувчиси бўлсаю, озиқ-овқатни ошириб пулласа. Хўш, озиқ-овқат маҳсулотлари Х. Жумаевга қайси йўл билан келган. Бунга Нишон район матлубот жамияти уюшмаси раҳбарлари аниқлик киритади деб ўйлаймиз.

Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро С. Иброҳимов 50 килограмм сарёғни чайқов нархида пуллаётганда ушланди. Аммо бошқалар ризқини туя қилишда С. Иброҳимовдан ҳам ўтадиган шахслар учради.

Қундуз Аҳмедова ана шундайлардан бўлиб чиқди. У бирор ерда ижтимоий меҳнат билан шуғулланмай, фақат спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилиб келаётганлиги аниқланди. Очиғини айтганда Қундуз Аҳмедова 45 шиша ароқни Баҳористон район матлубот жамиятига қарашли 27-магазиндан ўз нархида сотиб олиб, ҳар бир шишасини 20 сўмдан пуллаётганда қўлга тушиб қолди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мураккаб шароитда эл ризқига хиёнат қиладиганлар халқнинг қаҳрига учрайдилар, жазосиз қолмайдилар.

М. ҚАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Н. НЕЪМАТОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг катта оператив вакили.

• Эл ризқига хиёнат қилишга ўрин йўқ

## МАНТИҚАН ЁНДАШИЛСА

Ҳурматли редакция!

Бутун жумҳурият бўйлаб ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйини нишонлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Қодирий ҳайкалини Чорсу меҳмонхонасининг орқа томонидаги майдонга ўрнатиш керакмикан? Чунки, келажакда Самарқанд дарвоза кўчаси мавзеида Қодирий боғ—музейи ташкил этилса, ана шу ҳайкал музейга дарвоза вазифасини ўтайди.

Кейин яна бир фикр. Бизнингча Қодирий ҳайкалини ясашда рамзий воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Кумуш ва Отабек, Раъно ва Анварлар тимсолида бир рамзий ёдгорлик ҳам ўрнатиш мумкин.

**Ушбу фикримизни газетада чоп этгириб жамоатчилик фикрини уйғотишингизни сўраб, А. Қодирий номидаги Маданият олийгоҳи талабалари:**

Хатга 21 киши имзо чеккан.

• Ўтмиш садоси

• Спорт

● ВЕЛОПОЙГА. Франция бўйлаб пойгада иштирок этаётган тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов олтинчи босқичда учинчи ўринни эгаллади. Ҳозир у умумҳисобда ҳам учинчи бўлиб турибди.

● ФУТБОЛ. Олий лига жамоалари ўртасида иккита учрашув ўтказилди. Пешқадам пойтахт армиячилари Москва спартакчиларини қабул қилиб (0:1), ютқазишди. Пахтакорчилар эса Минск динамочиларини қабул қилишди. Майдон эгаларида ҳамон мудофаанинг бўшлиги кўзга ташланди. Улар ҳужумкорликка зўр беришди. Лекин қарши ҳужумга ўтган динамочилар биринчи бўлиб ҳисобни очишди. Учрашувнинг иккинчи қисмида Шквирин ҳисобни тенглаштирди. «Пахтакор» ҳисобидаги очколар 13 тага етди. Энди «Пахтакор» 2 июлда Киев динамочилари, 30 июль куни «Помир» майдонида ўйнайди.

## ЖЕЗТИРНОҚНИ ИЗЛАБ

**Узга сайёраликлару учар лнкопчалар ҳақида миш-мишлар кўпайиб, бу мавзу хаёлимиздан кўтарилгандек. Ҳолбуки, қор одам муаммоси ҳали кун тартибидан тушмаган. Фарғоналик этнограф олим В. Огудин бошчилигидаги ҳаваскор табиатшунослар гуруҳи уч йилдан буён ёз чоғлари Олой тоғларига қор одамни излаб сафар қилишади.**

**Ўтган йили улар денгиз сатҳидан 2—3 минг метр баландликдаги Терак довони атрофларини ўрганиб қайтишганди. Чўпонлар, овчилар билан суҳбатларда Олой ёввойи одами — жезтирноқ ҳақида маълумотлар тўплашди. Қўшни Ўш вилоятининг «Қашқасув» давлат хўжалигига қарашли баланд тоғ яйловлари, адир, ўнгир ва чўққилар, жарликларда ҳали нисон оёғи етмаган жойлар бор. Айтишларича, чўпонлар бу ерларда ҳам баъзан жезтирноқни учратиб туришади. Экспедиция аъзолари улкан дарахтларнн хивичдек эгиб ясалган чайласимон уйни ҳам кўришган. Бу, жезтирноқнинг иши дейишади.**

**Жезтирноқ бўйи 2 метрлар чамасидаги баҳайбат, баданини қалин ва ўсиқ жун қоплаган, кичкина кўзлари қип-қизил, тирноқлари узун ва ўткир махлуқ. У тирноқлари билан дарахт шохларини шарт кесиши, ҳайвонларни нобуд қилиши мумкин. Жезтирноқ қўй суруvларига яқинлашган пайтда чўпонларнинг бўрибосар итлари ҳам лисиб кетишади. Ҳўжалик чўпони кекса овчи М. Абаев бундан уч-тўрт йил авval бўлган воқеани гапириб берди. Чўпонлар сурувдан қўй олиб кетаётган жезтирноқни отишган. Аммо, у одамларга ўхшаш бўлгани учун бу ҳақда кўпчиликка маълум қилишга ботинишмайди. Жезтирноқнинг урғочисини жезкампир дейишади. У сочларининг узунлиги билан эркагидан фарқ қилади.**

**Фарғона водийси атрофини гир ўраган Помир — Тянь-Шан тоғ тизмаларида жезтирноқ номли фанга номаълум жонзот яшаши аниқ. Фарғоналик табиатшунослар гуруҳи бу йил ҳам жезтирноқни излаб Помирга чиқишни мўлжаллаб туришибди.**

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Табиийки, ёзнинг иссиқ кунларида одамда терлашга мойиллик ортади. Одам терлаш билан аъзолари кераксиз ҳамда зарарли моддалардан халос бўлади. Шунингдек, терлаш бу танамиз ҳароратини меъёрга келтирадиган табиий омиллардан бўлиб, унда тузсув мутаносиблигини маромга солади.

Тери ҳужайраларидан қатронсимон ёғ, ортиқча тузлар ва бошқа моддалар ажралади.

Агар одам ўз вақтида ювиниб ўзининг мусаффо бўлишини таъминлай олмаса, у ҳолда теридан ажралган ёғсимон моддаларга атроф-муҳитда мавжуд бўлувчи чанг заррачалари, ғубор ёки қурумсифат моддалар ёпишиб, терини хавфли манбага айлантириб қўйиши мумкин. Чунки, ёғ моддалари билан ифлосланган тери ҳар хил тери хасталикларини чақирувчи микроаъзоларга макон бўлади, терининг эластик қайишқоқлиги, ўзгача латифлиги бузилади, ифлосланган тери бичилиши, қийилиши мумкин, қолаверса қўланса ҳид тарқатади.

Шу боисдан ҳам танани шароитга қараб озода ва покиза бўлишига, яъни терини соғлом сақлашга ҳаракат қилинмоғи даркор. Киши ювинганидан сўнг албатта охорли, ювилган ички кийимларни кийиши лозим. Ёз палласида тананинг «эркин нафас олиши»ни таъминлайдиган ип газламали, зиғир ёхуд шойидан бўлган етарлича ҳовол қилиб тикилган кийимларни кийиш мақсадга мувофиқ.

Айрим кишиларда оёқнинг кўп терлаши билан боғлиқ азиятлар учраб туради. Қат, чов ва оёқ терлари ўз навбатида парчаланиб ноҳуш ҳид тарқатади. Оёқ терисининг соғлом бўлиши ҳамда ундан ноҳуш ис тарқамаслиги учун бир қатор ўта жўн ва синалган тадбирлар бор. Чунончи, оёқ тез-тез ювилиб, покиза пайпоқ кийилиши даркор. Ёзда тор пойабзаллар ва калиш кийиш ярамайди.

Оёқ ювиладиган жом ёки тосларга сув қуйиб, унга жайдари узум сиркаси, лимон, тартарон, борат кислотаси ёхуд танокордан бироз солиб, оёқларни чорак ёки ярим соатлар чамасида солиб ўтириш лозим. Бу борада доривор гиёҳлардан ўз ўрнида тадбиркорлик билан фойдаланилса, оёқ терлашини меъёрига келтириш ҳамда оёқлардан тарқаладиган нохуш исдан мусаффо бўлиш ҳам мумкин.

Терлаган оёқдан тараладиган ёқимсиз ҳидни йўқотиш мақсадида хурушлаштирувчи ярамайди, чунки бу доривор модда қайта-қайта қўлланганида оёқ нозик териси ўзининг латифлигини йўқотади: маълум даражада «ошланиб» уни ташқи муҳит билан боғловчи тешиклари беркилиб қолади. Натижада оёқ териси ўзининг табиий фаолиятини йўқотади. Баъзилар оёқ терлашини йўқотиш учун стрептоцид тугма дорисини туйиб сепадилар.

Бундай усул тавсия этилмайди. Бод-бод таъсир қилиб турувчи доривор модда аъзонинг табиий курашчанлик қобилиятини сўнитиб қўйиши мумкин. Терлашни йўқотиш мақсадида «Галманин» препаратидан фойдаланилса ҳам бўлади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, оёқ терисини тўғри парвариш қилиш замбуруғ касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Оёқ терисини ниҳоятда қийнайдиган микроспория, трихофития, эпидермофития каби хасталиклар борки, улар фақат шифокорнинг назорати остида даволаниши мумкин. Мабодо яра, қичимасифат азиятлар содир бўлса, у ҳолда тегишли мутахассис — шифокорлар маслаҳати даркор.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

• Қизғин беллашувлар

## ОРАСТАЛИК

• Билиб қўйган яхши

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.
№ 134.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12